



Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлилиги ва ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ҳуқуқий таҳлили

Худайбердиев
Абдурашид
Абдирасулович

Маъмурий ҳуқуқ кафедраси доценти ю.ф.б.ф.д
(PhD) доцент

Эргашов Олимхон
Алишеревич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
магистратураси тингловчиси, подполковник

Annotatsiya

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намоиш қилиш, жамоат тартибини бузиш, ахлоқий қоидаларга риоя қилмаслик баъзида оғир жиноятларнинг илдизи бўлиши мумкинлиги ва ушбу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилган

Kalit so'zlar

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар, жамиятдаги ахлоқий меъёрларга зид, ижтимоий хавфлилик, жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик фоҳишахона очиш ёки фоҳишалик билан шуғулланиш, жамоат жойларида одобсиз хатти-ҳаракатлар, порнографияни тарқатиш ёки сақлаш, жамоат тартибини бузувчи ва одоб-ахлоққа зид фаолиятлар, оммавий ахлоқ, ахлоқий меъёрлар, ахлоқий муаммолари.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «ахлоқ» тушунчасининг маъноси «кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ нормалари мажмуи»¹; «кишининг табиати; муомала, хатти-ҳаракат одоби; маънавиятининг ўзаги»² сифатида изоҳланган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ахлоқ – кишиларнинг бир-бирига, оилага, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, одоблари мажмуи³ сифатида таърифланган.

М. В. Гусарованинг фикрига кўра, ижтимоий ахлоқ одамларни шакллантирган ҳамда унинг аксарият аъзолари томонидан маъқулланган эзгулик, ёвузлик, адолат, шаън-шараф тўғрисидаги тасаввурлар тизимидан иборат бўлиб,

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли, 60000 сўз ва бирикма. Т 1. – М., 1981. – Б. 64.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. 1. – Т., 2006. – Б. 120.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 1. – Т., 2002. – Б. 530.

у келажакда ижтимоий ҳаёт учун ривожланиши учун зарур бўлган ахлоқий фаолиятни, кишиларнинг ахлоқий муносабатлари ҳамда ахлоқий онгини шакллантиради ва белгилаб беради⁴.

А. М. Нурумухаметова эса, ижтимоий ахлоқни жамиятда шаклланган ҳамда унинг аксарият аъзолари томонидан қўллаб-қувватланадиган тамойиллар, меъёрлар, хатти-ҳаракат қоидаларини бирлаштирувчи, жинсларнинг ўзаро муносабати ҳамда жинсий тарбиянинг йўлга солувчи жамият одоблари мажмуаси, шунингдек, ижтимоий ҳаёт учун фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган эркак ва аёл муносабатларига нисбатан ғоялар, қарашлар, анъаналар мажмуаси ифодаси⁵, деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай қарашлар, одатлар ва хулқ-атвор қоидаларини ижтимоий ахлоқ сифатида баҳолаш бўлади, А. С. Турсунов ва А. Р. Акюловлар тўғри таъкидлашганидек, қарашлар, одатлар ва хулқ-атвор қоидалари ижтимоий ахлоқ сифатида эътироф этилиши учун қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

1. яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, шаън, қадр-қиммат, жинсий ахлоқ ва шу каби бошқа масалаларга доир бўлиши;
2. тарихан шаклланиши;
3. кишилар томонидан қўнгилли тарзда қабул қилиниши;
4. жамиятнинг маданий ва маънавий анъаналарида акс этиши;
5. жамиятнинг аксарият аъзолари орасида ҳукмрон бўлиши (гўлиб фикр биз ўтказган ёзма сўровда аниқлаш тилинди)⁶.

Ижтимоий ахлоқнинг зарурий аломатлари сифатида эътироф этилган ушбу ҳолатларни умумлаштириш асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Ижтимоий ахлоқ деганда, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, шаън, қадр-қиммат, жинсий ахлоқ ва шу каби бошқа масалалар ҳақида тарихан шаклланган, кишилар томонидан қўнгилли тарзда қабул қилинган, жамиятнинг маданий ва маънавий анъаналарида акс этган, жамиятнинг аксарият аъзолари орасида ҳукмрон бўлган (умум эътироф этилган) қарашлар, одатлар ва хулқ-атвор қоидалар мажмуи тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига кўра, ҳуқуқбузарлик деганда, содир этилиши учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айби ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади⁷.

Қонун нормасига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар деганда, содир этилиши учун маъмурий ёки жиноий

⁴ Гусарова М.В. Незаконный оборот порнографических материалов или предметов: уголовно-правовые и криминологические аспекты: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Нижний Новгород, 2010. – 24 с.

⁵ Нурумухаметова А.М. Уголовная ответственность за преступления, связанные с

⁶ Проституцией, и их предупреждение: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Н. Новгород, 2012. – 3

⁷ Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатлари тўплами. – 2024. – №20. – 221-м.

жавобгарлик назарда тутилган, ижтимоий ахлоққа қарши қаратилган айби ғайриҳуқуқий қилмиш тушунилади.

Шу ўринда, ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар ва ахлоққа ҳуқуқбузарликларнинг кирраларини аниқлаш зарурияти келиб чиқади. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий табиати қуйидаги йўналишларни киритишни талаб қилади:

1. *ахлоққа қарши ҳуқуқбузарлик тушунчасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш;*
2. *маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлган турларини аниқлаш;*
3. *номаъқул (беҳаё) материалларни тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар;*
4. *ёшларга қаратилган порнографик тарғибот материаллари ёки буюмларини тайёрлаш ва айлантириш;*
5. *тарих ва маданий обидаларни йўқ қилиш ёки зарар етказиш;*
6. *марҳумларнинг жасади ва улар дафн қилинган жойларни таҳқирлаш;*
7. *ҳайвонлар билан қўпол муомалада бўлиш*⁸.

Албатта, ушбу тасниф шартли бўлиб, муайян мамлакатнинг қонунчилиги таҳлили асосида баён этилган.

Биз ўтказган сўровда иштирок этган мутахассислар томонидан ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган:

1. **фоҳишалик билан шуғулланиш (респондентларнинг 96,4 %);**
2. **порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (респондентларнинг 87,1 %);**
3. **зўравонликни ёки шахвониятни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (респондентларнинг 66 %);**
4. **фоҳишахона сақлаш ёки қўлпумчилик қилиш (респондентларнинг 53,9 %).**

Мутахассисларнинг фикрларини маъқулланган ҳолда ушбу қилмишларнинг барчасини ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар сифатида баҳолаш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисми V боби (Оилалар, ёшлар ва ахлоққа қарши жиноятлар) нормаларининг таҳлили кўп ҳолатни бўлиб, қабрни таҳқирлаш жиноятидан ҳам ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар қаторига киритиш лозим деган хулосага келиш имконини беради. Чунки ушбу ҳуқуқбузарлик ҳам ижтимоий ахлоқ қоидаларига муайян даражада бевосита зарар етказади.

⁸ Савин В.Ю. Уголовно-правовые подходы к определению преступлений за организацию занятия проституцией в теории, законодательстве и правоприменительной практике: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Саратов, 2012. – 18 с.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддаларида ахлоққа қарши маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган:

порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖТК 189-м.);

зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖТК 189¹-м.);

фоҳишалик билан шугулланиш (МЖТК 190-м.).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ҳам бир қатор моддаларида ахлоққа қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган.

Масалан: кўп хотинли бўлиш (ЖК 126-м.);

вояга етмаган шахсни зайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖК 127-м.);

порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (ЖК 130-м.);

зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (ЖК 130¹-м.);

фоҳишахона сақлаш ёки қўйимачилик қилиш (ЖК 131-м.);

қабрни таҳкирлаш (ЖК 134-м.).

Юқорида баён этилганларни умумлаштириб, ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар қуйидагиларга киради, дея хулоса келиш мумкин:

Қуйида ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган нормалар ва уларнинг амалга татбиқ этиш ҳолатлари ифода этилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189-моддасида порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, порнографик маҳсулотни, шу жумладан уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш микдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилган⁹.

Зўравонлик ва шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларнинг тарқатилиши, намойиш ёки реклама қилинишини жамиятда умумэтироф этилган анъана ва қадриятларга салбий таъсир кўрсатиб, фуқароларда шафқатсиз ва ахлоқсиз хулқ-атвор шаклланишига сабаб бўлади. Қолаверса, шахсий зўравонликка, шавқатсизликка чорловчи турли сураатлар, матбуот нашрлари, видеокассеталарнинг тарқатилиши жамиятда салбий ўзгаришларни юзага келтиради. Бундай мазмундаги ҳар бир фильмлар аста-секин шахс тарбиясига таъсир қилади, уни бузади, уни соғлом ижтимоий ва маънавий қадриятларини

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664> (мурожаат вақти: 20.04.2025).

ўзгартиради, маънавий кизиқиш ва эҳтиёжлар доирасини торғайтиради. Буларнинг ҳаммаси шахсда ёлғон ғояни сингдириб бориш ва у орқали унинг тасаввурларида тубдан ойини қобилиятини ёки бу даражада сусайтиради борди.

Шахвоний муносабатларга киришиш технологияси ва зўравонлик йўллари, усуллари тарғиб қилувчи фильмлар тарбия ва муҳит таъсирида шахсда шаклланади, унда салбий хатти-ҳаракатлардан тийиб турувчи энг ноёб ижобий ҳислатларни камаллаштиради, таъсирини йўқотади ва ўзгартиб қўяди. Буларнинг ҳаммаси шахсда ғайриҳукуқий йўналишнинг шаклланишига ва унинг ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат содир қилишга олиб келади.

Шавқатсизлик, зўравонлик, ёвузлик ва қонхўрликни тарғиб қилувчи фильмлар шахс ахлоқий-маънавий қадриятларини бузиб, унинг фикр ва ҳиссиётини ифлослайди. Бу, айниқса, аёллар, болалар ва ўсмирлар учун жуда хатарли бўлиб, нафақат инсоний, балки, руҳий, жисмоний жараёнларга, балки, кўпинча, оғир руҳий иллатларга олиб келади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда маъмурий ва жиноий ҳуқуқий фанларини норматив кодлашга асосланиб ҳолда айтиш мумкинки, зўравонлик ва шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишнинг бевосита объекти – ушбу ҳуқуқбузарлик жамиятда зарар етказишга ёки зарар етказиш хатарини юзага келтиришга қодир қилинган, жамиятнинг ахлоқий ва маданий ҳаёт тартибини, маънавий қадриятларини таъминловчи маъмурий ва жиноий қонунчилик билан кўзда қилинган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳуқуқбузарлигининг *предметини* зўравонлик ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» номи бўлимида келтирилишича, зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот деганда, бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шавқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар¹⁰ ва нарсалар тушунилади.

Бундай маҳсулотлар қаторига беҳаракатлик, зўравонлик ва бошқа шу каби жисмоний куч ишлатишни ўз ичига ифода этувчи адабиётлар, видеофильм, магнит ва лазер дисклар, фотосуратлар, аудио ёки бошқа ахборот ташувчи материаллар киритилиши мумкин.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишнинг объекти томони қўйидаги ҳаракатларда ифодаланади:

- зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш;
- зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 20.04.2025).

- зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш;
- зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш;
- зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намойиш этиш.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатларни учинчи марта Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189¹-моддаси бўйича маъмурий жаво қўлланилгандан кейин, бир йил ичида шунақа қилмишларни қайта содир этилса, у Жиноят кодекси 130¹-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши зарурлиги қайд этилмоқда.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш деганда, ушбу предметларни яратишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат қилинган ҳаракат тушунилади. Шу билан бирга, тайёрлаш, нусха кўчириш усулидан қатъи назар, зўравонлик ёки шавқатсизлик хусусиятига эга материалнинг асл нусхасидан нусха кўчириш ёки бадий, илмий ёки бошқа мазмунда эга бўлган маҳсулотларга қўшимчалар киритиш ёки қайта ишлаш натижасида уларни зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот хусусиятига келтиришда ҳам ифодаланади.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш усуллари турлича бўлиши мумкин (сценарий матнини ёзиш, расм чизиш, фильм яратиш, зўравонлик ёки шавқатсизлик хусусиятига эга бўлмаган предметларни қайта ишлаш, уларни зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотга айлантириш ва бошқа ш.к.), бироқ улар жиноят квалификацияси қилишга таъсир кўрсатмайди.

Қонун фақат зўравонлик ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрланганлик учун жавобгарликни назарда тутди.

А.Худойбердиев таъкидлаганидек

Шаҳвоний ҳаракатлар содир этиш орқали зўравонлик ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлашда ижрочи сифатида иштирок этиш таҳлили этилаётган жиноятнинг объектни томонини ташкил этмайди, чунки мазкур жиноят таркибини ташкил этувчи ҳаракат улар яратилганининг техник томонини ифода этади. Шу боис, зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотнинг тайёрланишида ихтиёрий ёки зўрлик ишлатилиши натижасида иштирок этган шахсларнинг ҳаракатлари таҳлил этилаётган жиноят таркибини келтириб чиқармайди.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш мазкур предметларни бошқалар ихтиёрига вақтчина ёки доимий фойдаланиш учун ўтказиш ёки эгаси бўлмаганга битта нусха шаклидагини вақтинчалик ижара бериш, ёки ушбу маҳсулотни ёки ундаги моддаланган турли ҳаракатларни содир этишни назарда тутди.

Тарқатиш ҳаракатларига, шунингдек, зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш мақсадида уларни тайёрлаш, олиб кириш, қайта ишлаш ҳам киради. Зўравонлик ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи

маҳсулотни тарқатиш фақат тижорат ёки моддий манфаат учун содир этилган тақдирдагина содир этилади, деган хулосага келиб бўлмайди. Мазкур ҳаракат бевосита ёки билвосита моддий ёки бошқа манфаат кўзлаб қилинган бўлиши мумкин (масалан, совға сифатида бериш, тақдим қилиш, ўзгартиш, ғояларини ёритиш ва ҳ.к.) содир этилиши мумкин.

Зўравонлик ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни кўчирган ҳолда чиқиш ва шеърларини ўқиш зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш деб қаралмайди. Шу билан бирга, телефон орқали ифодаланган овозли иборалар тарқатиш сифатида баҳоланмайди.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш деганда, божхона назоратини четлаб, божхона назоратидан яширин ҳолда ҳужжатлар ёки божхона идентификация қилиш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда республика ҳудудига олиб кириш тушунилади.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш деганда, уларнинг тарқатилишини уйғун имконият яратиш ва мазкур маҳсулотларга бошқаларнинг қизиқишини ошириш учун ноаниқ шахслар доирасини кенгайтириш мақсадида бундай мазмундаги ахборотларни ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида эълон қилиш тушунилади.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш махсус реклама варақалари, жўнатма хат йўли билан, бундай мазмундаги ахборотларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет тармоқларида жойлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш бундай маҳсулотларни эълон қилиш (улар мазмунини кўз ёзма ёки нашр этилган шаклда айтиб бериш) ёхуд уларни кўриб киритиш усулларининг ошкор қилинишини ифодаланади.

Таъкидлаш жоизки, зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёки махсус сайтларга ёки ушбу тармоқда очилган “ўзининг шахсий саҳифаси”га жойлаштириш ҳаракатлари зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни реклама қилиш деб баҳоланади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130¹-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни намоиш қилиш уларни ҳар қандай шаклда, ҳар қандай воситалар ёрдамида бошқаларга маълум қилинишини англатади.

Зўравонликни ёки шавқатсизликни кўриш учун махсус қўйилган жойда кўрсатиш уларнинг оммавий намоишини ташкил этади.

Бундай маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш интернет ахборот воситалари ёки Интернет тармоғи орқали, компьютер техник васитасида, электрон шаклда ёзувлар, кўрсатадиган мобил телефон аппаратлари, плакатлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар – жамиятда қабул қилинган ахлоқий нормаларга, яъни одоб-ахлоқ қоидаларига зид равишда содир этиладиган,

қонунчиликда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлардир.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликларга қуйидагилар киради:

- Жамоат тартибини бузиш (масалан, беадаблик, фоҳишабозлик, спиртли ичимликларни истеъмол қилиб овоза чиқариш),
- Эҳтиромсизлик ва ҳақорат,
- Ахлоқий тарбияга зид ҳаракатлар,
- Ёшлар ўртасида бузукликни тарқатиш.

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлилиги даражасини қуйидагиларда кўришимиз мумкун:

1. Жамоат тартиби ва тинчлигига таҳдид солади.

Бу ҳуқуқбузарликлар одамлар ўртасидаги ўзаро хурматни йўқотишга сабаб бўлади.

2. Ёш авлодга салбий таъсир кўрсатади.

Ахлоқий бузукликлар ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир қилиб, уларни нотўғри йўлга бошлайди.

3. Жамиятда беқарорликни келтириб чиқаради.

Одоб-ахлоқ нормалари бузилса, инсонлар ўртасидаги ишонч ва ҳамжиҳатлик севийеси пасаяди.

4. Жиноятчиликка олиб бориши мумкин.

Ахлоқий қоидаларга риоя қилмаслик баъзида оғир жиноятларнинг илдиизи бўлиши мумкин (масалан, зўравонлик, зина, ёмон иллатлар).

Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни олдини олиш – жамиятда барқарорлик, маънавий поклик ва ҳуқуқий онгни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги амалий тақлифларни келтиришимиз мумкун:

1. Тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш

- Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали ахлоқий тарбияни ёритиш.
- Маҳаллаларда, таълим муассасаларида ахлоқий тарбияга бағишланган тадбирлар ўтказиш.
- Нотиклар, дин ва маърифат вакиллари жалб қилиб, ёшлар билан жонли мулоқотлар уюштириш.

2. Таълим тизимида маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш

- Мактаб ва коллежларда "Ахлоқ ва ҳуқуқ" дарсларини амалиёт билан бойитиш.
- Маънавий-маърифий соатларда ҳаётий мисоллар орқали ахлоқий қадриятларни ўргатиш.
- Муаллимларнинг ахлоқий намунаси ўқувчиларга кучли таъсир кўрсатиши учун уларни тайёрлаш.

3. Оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш

- Ота-оналарни фарзандлар тарбиясида фаол қатнашишга даъват қилиш.

- Маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғини ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигини таъминлаш.

- Ёшлар билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб, муаммоларни барвақт аниқлаш.

4. Қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқий жавобгарликни кучайтириш

- Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни аниқ белгилаш ва унга муносабатда кескин чоралар кўриш.

- Қонунбузарларга жамоат хизмати, психологик ёрдам каби тарбиявий таъсир чораларини қўллаш.

5. Ёшларни маънавий камолга етказиш учун замонавий усуллардан фойдаланиш

- Мотивирловчи видеолар, онлайн курслар, ахлоқий квестлар, форумлар ташкил этиш.

- Блогерлар, инфлюенсерлар орқали яхши ахлоқ намунасини тарғиб қилиш.